



23.11.2022 даги

Гиждувон курилиш лойиха МЧЖ ва Зарафшон шахар ХТБ ўртасида 8200000,00 сўм умумий суммага  
тузилган 365-22/4 - сонли шартномага

**ТЎЛОВЛАР ЖАДВАЛИ\***

Боб	075
Шахсий ғазна хисобварак	401722860124087092100075034

сўмда

2022 й. ойлар номи.	Харажатлар тури** (бюджет таснифининг тегишли коди)			Жами
	4239000			
Январь				
Февраль				
Март				
Апрель				
Май				
Июнь				
Июль				
Август				
Сентябрь				
Октябрь				
Ноябрь	8 200 000,00			8 200 000,00
Декабрь				
<b>Жами йил бўйича</b>	<b>8 200 000,00</b>			<b>8 200 000,00</b>

Жами 8200000,00 сўм

Саккиз миллион икки юз минг сўм 00 тийин

сумма сўз билан

Юкоридаги кўрсатилган суммадан \_\_\_\_\_ сўм ёки \_\_\_\_%\*\*\* шартноманинг умумий суммасидан  
30 % \*\*\*2022 Ноябрь ойида тўланиши лозим.

(\*) — бюджет ташкилоти, бюджет маблағи олувчи ва БМЖ маблағи олувчи томонидан ғазначилик бўлинмасига  
икки нусхада тақдим этилади;

(\*\*) — бўлим, кичик бўлим ва харажат моддаси кўрсатилади;

(\*\*\*) — Юкоридаги кўрсатилган суммадан ойига \_\_\_\_% жорий ойнинг \_\_\_\_ санасигача ҳар ойда олдиндан  
тўланиши лозим (ушбу сатр бюджет ташкилоти, бюджет маблағи олувчи ва БМЖ маблағи олувчи томонидан  
коммунал хизматлар кўрсатиш, алоқа хизматлари ва қонун ҳужжатларида назарда тутилған ҳар ой доимий равиша  
товарлар (ишлар, хизматлар) етказиб бериш шартномалари бўйича олдиндан тўловни амалга ошириш ҳолларида  
тўлдирилади).

Рахимов Зоир Жумаевич

Ф.И.Ш.

(имзо)

Буюртмачи раҳбари



Буюртмачи бош бухгалтери

(имзо)

Хужанасибов Багдат Валидинович

Ф.И.Ш.

Ғазначилик бўлинмасининг  
ходими қабул килди

(имзо)

«\_\_\_» 20 \_\_\_ й.

Буюртмачи ходими  
қабул килди

(имзо)

«\_\_\_» 20 \_\_\_ й.

**Зарафшон шаҳар Мактабгача таълим бўлими тасарруфидаги 10-мактабнинг  
хожатхонасини жорий таъмирлаш буйича Лойиха-смета хужжатларини тайёрлаш учун  
365-22/4-сонли ШАРТНОМА**

Зарафшон шаҳри

“23” ноябр 2022 йил

Кейинги ўринларда Буюртмачи деб юритиладиган Зарафшон шаҳар Халқ таълим бўлими номидан раҳбар З.Ж.Рахимов ва кейинги ўринларда Лойихачи деб юритиладиган “G’IJDUVON QURILISH LOYIHA” МЧЖ номидан Устав асосида иш юритувчи директор Б.Рўзиев қуидаги шартномани туздилар:

**1. Шартнома предмети**

1.1. Лойихачи Буюртмачининг топшириғи бўйича белгиланган муддатда Зарафшон шаҳар Зарафшон шаҳар Халқ таълим бўлими тасарруфидаги 10-мактабнинг хожатхонасини жорий таъмирлаш ишлари учун лойиха-смета хужжатлари ишларини ишлаб чиқиш ва давлат экспертизасидан ўтказиши мажбуриятини, Буюртмачи эса уни қабул қилиб олиш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

1.2. Бажариладиган ишлар тасдиқланган лойиха олди топшириғига асосан амалга оширилади.

1.3. Шартнома лойиха ишларини ишлаб чиқишга, лойиха хужжатларини тегишли давлат экспертизадан ўтказиш ва техник шартларни тайёрлаш билан боғлиқ бошқа ишларга тузилган.

1.4. Шартнома Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Навоий вилояти Зарафшон шаҳар ғазначилигидан рўйхатдан ўтган кундан бошлаб кучга киради хамда Лойиха-смета хужжатларини ишлаб чиқиш ва буюртмачига топшириш ишлари 5 (беш) кун муддатда тутатилади.

1.5. Лойихачи лойиха-смета хужжатларига ижобий давлат экспертиза хulosасини олгандан сўнг 3 кун ичida 3 (уч) нусхада лойиха-смета хужжатларини ва тегишли хужжатларни Буюртмачига тақдим этиши керак.

**2. Шартнома баҳоси ва тўловлар қоидалари**

2.1. Ишларни амалга оширишнинг шартнома суммаси 8 200 000 (Саккиз миллион икки юз минг) КҶС 15% билан сўмни ташкил қиласи.

2.2. Буюртмачи шартнома Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Навоий вилояти Зарафшон шаҳар ғазначилигидан рўйхатдан ўтгандан сўнг “Буюртмачи”нинг обьект бўйича шахсий ҳисоб варагидан 5 кун ичida шартнома суммасининг 30% микдорида аванс тўловини амалга оширади.

2.3. Бажарилган ишлар учун Буюртмачи ва Лойихачи томонидан далолатномалар ва ҳисоб фактуралар расмийлаштирилиб “Буюртмачи”нинг обьект бўйича шахсий ҳисоб варагидан қолган 70% тулов 15 кун ичida амалга оширилади.

2.4. Лойиха-смета хужжатлари буюртмачи томонидан кўриб чиқилиб, экспертизага тақдим этилгандан сўнг, жами ишлар ҳажмининг 70% фоиз микдоригача ишлар бажарилган деб қабул қилинади.

Объект бўйича экспертиза хulosаси олингандан сўнг ва 3 (уч) нусхада лойиха-смета хужжатлари Буюртмачига тақдим этилгандан кейин қолган маблағ топшириш-қабул қилиш далолатномаси расмийлаштирилиб, (мазкур шартноманинг 2.3-бандига асосан) Буюртмачи”нинг обьект бўйича шахсий ҳисоб варагидан молиялаштирилади. Бунда “Буюртмачи” “Лойихачи” олдида тўлиқ бўлмаган ёки ўз вақтида бўлмаган молиялаштириш учун жавобгар эмас.

2.5. Ишлар қиймати узил-кесил ҳисобланади ва кейинчалик қайта кўриб чиқилиши мумкин эмас, куйидаги ҳоллар бундан мустасно:

ишлар қийматини кўпайтиришга енгib бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари сабаб бўлганда;

ишлар ҳажми Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг тегишли қарорлари асосида Буюртмачи томонидан ўзгаририлганда.

**3. Томонлар мажбуриятлари**

**3.1. Буюртмачи:**

- барча ишлар бажарив бўлингандан кейин белгиланган шартнома нархининг хаммасини Лойихачига тұлаши ёки ишларнинг айрим босқичлари тугалланганидан кейин шартнома нархининг тегишли қисмини тұлаши;

- тайёрланган лойиха-смета хужжатларининг камчиликлари борлиги муносабати билан учинчи шахс томонидан буюртмачига нисбатан кўзгатилган даъво аризасидан ишда қатнашишга Лойихачи жало қилиши шарт.

**3.2. Лойихачи:**

- Лойиха ишларини бажарив учун дастлабки маълумотларнинг хақонийлигига, шунингдек лойиха-смета хужжатларидаги қабул қилинган лойихавий ечимларга жавобгардир;

- лойиха-смета хужжатларини ишлаб чиққандан сўнг лойиха-смета хужжатларини давлат экспертизаси ва комплекс экспертизадан ўтказишида иштирок этади.

- лойиха-смета ишларини бажарив учун топшириқдаги ва бошқа дастлабки маълумотлардаги талабларга, Ўзбекистон Республикасининг тегишли амалдаги қонунларига хамда бошқа меъёрий хужжатларга қатъий риоя қилиши шарт;

- ишларни лойиҳалаш ҳақидаги топширик ва бошқа дастлабки маълумотларга мувофиқ бажариши;

- тайёр бўлган лойиҳа-смета хужжатларини буюртмачи ва фойдаланувчи ташкилотлар (шу жумладан сув таъминоти, электр тармоқлари, газ таъминоти корхоналари) билан келишиб олиши шарт;

- тайёр бўлган лойиҳа-смета хужжатлари ишлари натижаларини шартномада белгиланган муддатларда буюртмачига топшириши;

- буюртмачининг розилигисиз лойиҳа-смета хужжатларини учинчи шахсларга бермаслиги шарт.

**3.4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 ноябрдаги ПФ-5577-сон фармонига асосан объектни куришнинг барча боскичларида муаллифлик назорати мажбурийдир ва Лойиҳачи шартнома киймати доирасида муаллифлик назорати олиб бориши шарт;**

**3.5. Лойиҳачи лойиҳа-смета хужжатларида қабул қилган лойиҳавий ечимлари учун ёхуд уларда аниқланган камчиликлар учун жавобгардир.** Шунингдек кейинчалик курилиш жараёнида, шунингдек тайёрланган лойиҳа-смета хужжатлари маълумотлари асосида барпо этилган обьектни ишлатиш жараёнида аниқланган камчиликлар учун жавобгар бўлади. Лойиҳа-смета хужжатларида камчиликлар аниқланган тақдирда Лойиҳачи Буюртмачининг талаби билан лойиҳа-смета хужжатларини бепул қайта ишлаб чикиш ва шунга мувофиқ зарур қўшимча қидирув ишларини бажариш, шунингдек, агар қонунда ёки шартномада бошқача тартиб белгиланган бўлмаса, келтирилган зарарни буюртмачига тўлаши шарт.

#### **4. Ишларни топшириш ва қабул қилиш тартиби**

**4.1. Бажарилган ишларни топшириш ва қабул қилиш Лойиҳа-смета хужжатларини бажариш лойиҳа олди топшириғи талабларига биноан белгиланади.**

**4.2. Ишлар бажарилишининг алоҳида босқичи ва шартнома бўйича белгиланган жами ишлар тугагандан сўнг Лойиҳачи Буюртмачига ишларни топшириш ва қабул қилиш далолатномаси билан хужжатлар тўпламини топширади.**

**4.3. Буюртмачи ишларни топшириш ва қабул қилиш далолатномаси ва мазкур шартноманинг 4.2 баъдида кўрсатилган ҳисбот хужжатларини олгандан сўнг 10 кун мобайнида ишларни қабул қилиш ва Лойиҳачига имзоланган топшириш ва қабул қилиш далолатномасини ёки ишларни қабул қиласликнинг асосланган рад жавобини юборишни ўз зиммасига олади.**

**4.4. Буюртмачи ишларни қабул қиласликнинг асосли рад жавобини берган ҳолда зарур бўлган қўшимча ишларнинг рўйхати ва уларнинг бажарилиш муддатларини кўрсатган ҳолда, икки томонлама далолатнома тузилади.**

**4.5. Агар ишларни бажарилиш жараёнида уни давом эттириш мақсадга мувофиқ эмаслиги аниқланса, томонлар 5 кун муддат ичida уни тўхтатиш тўғрисида бир-бiriни хабардор қилиши ва 5 кун ичida ишларни давом эттириш мақсадга мувофиқ ёки мувофиқ эмаслиги тўғрисидаги масалани кўриб чиқиши шарт. Ишларнинг тўхтатилиши томонлар учун Ўзбекистон Республикаси Фуқаролар кодексида кўзда тутилган оқибатлар ва жавобгарликка олиб келади.**

**4.6. Томонлардан бири мазкур шартномада кўзда тутилган ишларни тўхтатиш тўғрисида ёзма хабар берган вақт ўзаро ҳисоб-китоб қилиш вақти ҳисобланади.**

**4.7. Лозим топилган ҳолларда томонлар холис экспертларга Лойиҳа бўйича хулоса учун мурожаат қилиши мумкин.**

#### **5. Конфиденсиал маълумотларни ҳимоялаш**

**5.1. Ишлар бажарилиши даврида Лойиҳачи ўзи конфиденсиал ҳисобланадиган маълумотлар ишлаб чиқсан ёки уларни Буюртмачидан олган ҳолларда уларни ҳимоялаш, ошкор бўлишини олдини олиш мақсадида тегишли тадбир ва чоралар кўради.**

#### **6. Тарафларнинг коррупсияга қарши курашиш бўйича маъсулияти.**

**6.1. Тарафлар шартнома шартларини амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси "Коррупсияга қарши курашиш тўғрисида"ги қонун талабларига сўзсиз амал қилади.**

**6.2. Тарафлар, уларнинг вакиллари ва ходимлари ўз мажбуриятларини бажариш жараёнида ушбу шартнома бўйича мажбуриятларни ўз зиммасига олган ҳолда, ушбу шартнома доирасида қонун бузилишга олиб келадиган ҳаракатлар(ҳаракатсизлик)га йўл қўймайдилар.**

**6.3. Тарафлар Ўзбекистон Республикасининг коррупсияга қарши курашиш соҳасидаги амалдаги қонун хужжатлари талабларига риоя этиш баробарида қуйидагиларга йўл қўймаслик мажбуриятини оладилар:**

- пора бериш, шунингдек ушбу жиноятга воситачилик қилиш;

- товламачилик, ёки бошқа ноқонуний йўллар билан пора олишга ундаш;

- пора олишга бевосита ёки билвосита розилик бериш.

**6.4. Тарафлар, уларнинг вакиллари ва ходимлари рағбатлантиришнинг ҳар қандай шаклини рад этадилар. жумладан:**

- тарафларнинг ходимлари ёки вакиларидан пул маблағлари олиш, совғалар бериш, уларга бепул хизматлар кўрсатиш ёки ишларни бажаришни ушбу ҳаракат(ҳаракатсизлик)ни амалга оширган ходим ёки ваколатли вакил уни рағбатлантирадиган томон фойдасига ҳар қандай ҳаракатни бажаришни.

6.5. Тарафларга шартнома шартларини амалга оширишда сунъий равишда иккинчи тарафга нокулайликлар туғдириб, коррупсияйи омил пайдо бўлишига бевосита ҳамда билвосита сабабчи бўлиш тақиқланади.

6.6. Агар шартнома тарафлари томонидан шартнома шартларига риоя килмаслик ёки ушбу шартларнинг бузилиш ҳолатлари содир бўлган ёки содир бўлиши мумкин деб гумон килингандек, шартноманинг 6.1-бандида белгиланган қоидалардан бири содир этилганда ушбу ҳаракат содир этилганлиги юзасидан иккинчи томонни хабардор қилиш мажбуриятини ўз зиммасига олади ҳамда шартнома шартлари ёки конун бузилишининг инкор этилмайдиган далиллари мавжуд бўлганда, шартнома тарафлари Ўзбекистон Республикасининг коррупсияяга қарши курашиш соҳасидаги ваколатли давлат органларига мурожаат киладилар.

## 7. Кўшимча шартлар

7.1. Лойиҳачи лойиҳани муддатидан олдин бажарган ҳолда, Буюртмачи уни мазкур шартноманинг 4-моддасига асосан кабул қиласи ва ўрнатилган тартибда тўловни амалга оширади.

7.2. Ўзаро мулоқат йўли билан ҳал қилинмаган муаммолар конун хужжатларида ўрнатилган тартибда ҳал қилинади. Келишувга келинмаган тақдирда тортишувлар, келишмовчиликлар, низолар Иктисадий судда эътиroz тартибига риоя қилган ҳолда, кўриб чикилади.

7.3. Шартномага томонлар розилиги асосида, ёзма равиша ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритилиши мумкин.

7.4. Лойиҳачи шартномада кўрсатилган ишларни бажариш учун, Буюртмачини белгиланган тартибда маълум қилган ҳолда, учинчи шахсларни жалб килиш ҳуқукига эга.

7.5. Буюртмачи томонидан дастлабки тўлов ўз вактида ўтказилмаган ҳолда кечиктирилганда ишларни тугаллаш муддати тўлов ёхуд тақдим кечиктирилган вактга қадар узайтирилади.

7.6. Буюртмачи томонидан тўловлар билан боғлик ўз мажбуриятлари кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган кисмининг 0,4 фоизи миқдорида пеня тўланади, бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар кийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим, бунда Буюртмачига боғлик бўлмаган ҳолатлар бундан мустасно.

7.7. Лойиҳачи томонидан лойиҳа-смета хужжатларини тайёрлаш ва буюртмачига топшириш ўз вактида бажарилмай мажбуриятлар бузилган бўлса. Лойиҳачи Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган кисмининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бирор бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар кийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим;

7.8. Тўланган пеня ёки жарималар томонларни ушбу шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришдан озод қилмайди.

7.9. Ушбу шартнома икки нусхада тузилди.

7.10. Мазкур шартнома томонлар ўз мажбуриятларини тўлиқ бажаргунга қадар ҳамда 2022 йил 31 декабргача амал қиласи.

## 7. Томонларнинг манзили ва хисоб рақамлари

### «Таъминловчи»

“G’IJDUVON QURILISH LOYIHA” МЧЖ  
(ижрочининг номи)  
Манзили Фиждувон туман  
Ю.Ҳамадоний кучаси 213 ўй  
тел\факс 91-411-22-21  
х\р 20208000105003386001  
банк номи Мекрокредитбанк Фиждувон ф  
МФО 00104 ИНН 302401037  
ОКОНХ 71110



### «Истеъмолчи»

Зарафшон шахар ХТБ  
(бюджет маблагларини олувчи номи)  
манзили Зарафшон ш 12 кичик туман

тел\факс 79: 572-38-00  
ш. х\р: 401722860124087092100075034  
бюджетдан маблаг олуви СТИР 200010117  
ОКОНХ:  
Газначилик бўлим номи: Зарафшон шахар  
газначилик булинмаси  
газна х\р:23402000300100001010  
Банк номи Тошкент шахар МБХКМ  
МФО 00014  
Газначилик бўлинмаси СТИР 201122919



**YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN  
HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO‘G‘RISIDA HUQUQIY  
XULOSA**

**JE5812461254**

- 1. Lovihaning turi : Shartnoma**
- 2. Lovihaning nomi: Zarafshon shahar Xalq ta'limi bo'limi hamda "G'IJDUVON OURILISH LOYIHA" MCHJ o'rtaida tuzilgan 2022-yil 23-novabrdagi №365-22/4-sonli shartnoma.**
- 3. Loyerha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot: Zarafshon shahar xalq ta'limi bo'limi tomonidan 24.11.2022 yilda kiritilgan.**

Loyerha amaldagi qonun hujjalariiga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

**Zarafshon shahar  
yuridik markazi  
bosh yuristkonsulti:**



**SH.S.JUMAYEV**

**25.11.2022**